

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 27 OKTYABR, SESHANBA, 125 (7586) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Ҳаёт манбаи — тоза ичимлик сувининг мутғасил оқиб туриши мамлакатимизнинг энг шимолидаги овули — қозоқдарёликлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Бу ерда деҳқончилик қайта тикланди, табиий ўтлоқлар чорва молларининг бош сони ортиши, маҳсулот етиштириш ҳажми кескин кўпайиши, қўлларда балиқчиликни йўлга қўйиши имконини берди.



Марҳум шоир Хайриддин Салоҳнинг "Тоғ бошида қарағай" номи шеъри битилганига қирқ йил бўлди. Яқинда Баҳмал, Зомин, Фориш тоғ ҳудудларини айланиб, у ерларда ўсаётган олма, ўрик, бодом, арча ва ёнғоқ дарахтлари орасида шеърда тилга олинган қарағайлар кўринмаслигидан, "Шоиримиз уни қайси тоғда кўрган экан-а?" деган савол кўнгилдан ўтди.



Корхона ҳудудини айланар эканмиз, мевали ва манзарали дарахтлар, гулларни кўриб, баҳри дилимиз очилди. Мутолиб ака неъматлар султони — нонни эъзозлаш, унинг уюғини ҳам увор қилмаслик, нон маҳсулотларини тайёрлаш жараёнларида дид билан покиза ишлаш нақадар муҳимлиги ҳусусида алоҳида таъкидлади...

Куннинг муҳим воқеалари

► Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Иновация — 2009" халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

► "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси доирасида бўлиб ўтаётган "Республикадаги энг яхши қишлоқ" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди. Танлов натижасига кўра, Пайариқ туманидаги Хўжа Исмоил қишлоғи биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

► Ўзбекистон Давлат санъат музейида нодир санъат асарларини қайта тиклаш ва таъмирлаш масалаларига бағишланган амалий семинар бошланди.

► Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

► Самарқанд шаҳрида аҳолини сифатли истеъмол моллари билан таъминлаш, савдо ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўرғазма-савдо ярмаркаси ўтказилди.



ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимизда 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини кенг нишонланди

Юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини юртимизда кенг нишонлангани, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлиши билан ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Сирдарё Вилояти
Гулистон шаҳридаги "Алпомиш" спорт саройида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун қишлоқ аҳолисига мўлжалланган яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ҳудудий кўрғазмаси иш бошланди.

КЕЛАЖАК УЧУН УЙ-ЖОЙ ЛОЙИҲАЛАРИ

Унда "Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банки, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, "Қишлоққурилишнинг инвестиция" инжиниринг компанияси ва тижорат банкларининг ҳудудий филиаллари, икки вилоятдаги архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқарма ва бўлимлари, электр, газ, сув таъминоти корхоналари, лойиҳа кидирув институтлари филиаллари, уй-жойларнинг тайёр ҳолда қурайдиган пудрат ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда қурилиш-лойиҳа ишларига дахлдор ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Ҳудудий кўрғазманинг очиқлиги маросимида таъкидланганидек, Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топширув шартларида реконструкция қилиш ва пудрат ишларини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қишлоқларимизни кифасини ўзгартиришда дастурий амал бўлаётганини таъкидлади.

Кўрғазмада "Қишлоққурилишлойиҳа" институти филиаллари томонидан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари икким шароитига мос, демографик хусусиятлари, шамол ва тулроқ, шўрхўрлик эътиборга олинган 3-4 ва 5 хонали, яна ҳам аҳамиятлиси, икки қаватли 3-4 хонали уйларининг намунавий лойиҳалари намойиш этилмоқда.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилиги овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

31 аъзо мамлакатнинг номзоди қўйилган сайлов жараёни якунида Ўзбекистон билан бирга Словакия, Руминия, Польша, Латвия ва Беларусь мазкур нуфузли кенгаш сафидан жой олди. Улар Ижроия кенгашида 27 давлат ёнига қўшилиди.

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши ташкилотнинг асосий ижро органларидан бири бўлиб, Бош конференцияда қабул қилинадиган дастурларнинг ижросига оид масалаларни кўриб чиқади. Ўзбекистоннинг унга аъзо этиб сайланиши мамлакатимизнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ютуқлари, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда илмий меросимиз, миллий-маданий қадриятларимизнинг яна бир жаҳоншумул эътиборидир. Айни пайтда ушбу кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОда ва умуман дунёдаги нуфузига янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон цивилизация бешикларидан биридир. Мовароуннаҳр ҳудуди йirik илмий кашфиётлар, ёзма ва оғзаки ижода шох асарлар раттанган шоирлар, олимлар, олимларнинг, донгдор саркарда ва баҳодирларнинг ватанидир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиб, халқаро муҳофазага олинган. Бойсон фольклори ва Шашмақом инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари деб эълон қилинди. Хастимомда сақланган Усмон Куръони ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарҳунослик институтига тўпланган нодир қўлималар "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилди.

Ўзбекистонда ташкил қилинадиган ақсарият йirik юбилей тadbирлари ва халқаро илмий-маданий анжуманлари ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш яхши анъанага айланган ҳам халқимизнинг бунёдкорлигига, аждоқларимизнинг буюк истеъдод ва маҳоратига, бой меросига билдирилган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Имом Бухорий, Абдуқолиқ Фихудуний, Аҳмад Фарғоний, Амр Темур, Мирзо Улугбек сингари аллома ва давлат арбоблари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар, "Алпомиш", "Авесто" дек ёзма ва оғзаки қадриятларнинг юбилейлари ва бошқа кўлаб илмий-амалий тadbирлар бунинг ёркин тасдиғидир.

Кунини кеча Абу-Дабида ЮНЕСКО номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича қўқуматлараро қўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда халқимиз доғруғини янада кенгайтиришга хизмат қилдиган муҳим воқеа рўй берди — Фарғона водийси ахлининг "Катта ашула" деган умумий ном билан аталувчи дилқуш қўшиқлари ва қадимий Наврўз байрамизини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

193 мамлакатдан тўрт ордан зиёд вакил қатнашган сессияда дунёдаги турли халқлар маданиятига мансуб 111 қадрият кўриб чиқилди ва 76 таси фахрий рўйхатдан жой олди.

Катта ашула — ўз номи билан катта ашула. Қўшиқчиликнинг бу анъанавий туридан шарқона шеърининг гўзал оҳанглари уфуриб туради, унда: тақдир, аския, театрлаштирилган томоша белгиларини ҳам кўриш мумкин. Ўзига хос бир жиҳати шундаки, бу қўшиқларини ижро этишда мусиқий асбоблардан фойдаланилмайди, хонандалар овоз баландлиги ва йўналишини лиқопчалар ёрдамида бошқаради.

Наврўз нафақат янги айём, балки бутун бир янги палла — уйғониш даврини англатади. Қадимда халқимиз деҳқончилик, чорвачилик, богдорчиликка оид муайян мавсумий ишларнинг кетма-кетлиги, увийлиги, табиат ўзгаришлари билан уйғунлигини таъминлаш мақсадида йилнинг ҳар бир фасли, ойи ва баъзида ҳатто кунини алоҳида ном билан атаган. Йилнинг даврга бўлиш ҳунарманд ва қосиблар, қурувчилар, умуман, кўп соҳалар эгалари учун ҳам фойдали бўлган.

Катта ашула ва Наврўз умумибашарий мерос мактабини олгани Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори, аждоқларимиз меросининг халқаро шон-шўҳратини ошириб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ, Ўза шарҳловчиси

ДЕҲҚОННОМИ ЖАРАНГЛАР МАФРУР

Отам деҳқон эди. Эрта баҳордан кеч кузга қадар пахтазордан чиқмас, қаварган қўллари, офтобда қорайган, пахта пайкаларидек қатор-қатор ажин қолган юзи ўчмас сурат мисол хотирамда қолган. Отам бир умр пахта етиштирди, бироқ бирор марта эғида охори тўқилмаган пахталик кийим кўрмаганман. Онам ҳам отам қаватида меҳнатдан бош кўтармади, аммо тунда ювилиб, эрта тонгда кийиладиган кўйлагининг ранги унка бошласа, таъшишга тушар, рўзгордаги етишмовчиликларини, биз, болаларнинг кам-кўстини бутлаб, бир кийимлик газламага етгулик пул йиғиши учун хафтала ойларида уланар эди.

Биз шундай кунларни кўриб улғайдик... Бугун ёшларимиз иқболига, уларнинг камолоти йўлида яратилган бетимсол имкониятларга шохид бўлиб, қалбимда ҳавас ва шукроналик жўш уради.

Бугун "деҳқон" сўзи бошқача жаранглайди. Бугунги деҳқон — фермер, ер эгаси, ишбилармон, мулк соҳиби. У ерга меҳр бериб, уни даромад манбаига айлантирмоқда. Даромадини данғиллама уйлар қуришга, элга ош бериб, тўйлар қилишга, ҳеч қимдан кам бўлмай яшашга сарфлаш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Кўл остида ишлайдиган ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш баробарида қишлоғини

бандлигини, фаровонлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшапти.

Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг фермерлик мамлакат иқтисодийнинг муҳим таянчи эканини англаган ҳолда узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати, фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Теримчиларга "Хорманг" демок учун бир гуруҳ иҳодкорлар Оқолтин туманидаги "Раззок" фермер хўжалигига бордик. Фермер хўжалиги биринчи теримдаёқ 62 гектар ердан 26 центнердан пахта ҳосили олиб, қабул пунктига 160 тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё топширибди.

— Фалладан ҳам баракали хирмон кўтардик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдураззоқ Аллаёров. — Иختириримизда қолган бугдойни ишчиларга, қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга тарқатдик. Пахтадан ҳам шартнома мажбуриятдан ташқари эллик тоннага яқин ҳосил олдик. Ўзингиз кўриб турибсиз, ҳали чаноқларда пахта тўқилиб турибди. Терим давом этмоқда. Юзга яқин теримчиларнинг унумли ишлаши учун ҳамма қулайликлар яратилган. Чунки ёгин-сочинга қолмай, ризқимизни тезроқ териб олсак, марра — бизники!

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодезадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздоммаҳсулот", "Ўзқимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсанот", "Ўзқишлоққўжалиқмашининг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсаноат" уюмлари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари қасаба уюмлари Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ЎБУНА - 2010

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144

"Hayot" — 145

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда учинчи бор ташкил этилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида мамлакатимизда фаолият юритибатган 360 дан зиёд корхона ва компания ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда. Бу сафар халқаро мақом олган ушбу форумда эллика яқин мамлакатдан 650 дан зиёд хорижий фирма ва компания вакиллари ҳам қатнашмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

САНОАТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

"Ўзэкспомарказ"да Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда



Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга пухта билим бериш боробарида мамлакатимизнинг барча жабҳалари учун малакали муассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар узлуксизлиги, босқичма-босқичлиги, тизимдаги бўғинларнинг ўзаро уйғунлиги билан бирга таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, ўзаро интеграцияси таъминлангани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу жараён миллий иқтисодий таъминотнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этаётир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида олиб борилаётган

қарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳамда юртимиз ишбилармонлари билан ҳамкорлики тараққий эттириш бўйича музокара олиб бораётир. Анжуман қўламининг бундай кенгайтирилиши Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

ушбу қўлай шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида ташкил этилган мазкур форум Ўзбекистон раҳбарияти томонидан саноат соҳаси вакиллари билан фаол иш юритиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир. Компаниямиз "Ўзқабель" кўшма корхонаси билан кабель-ўтказкич маҳсулотларини сотиб олиш бўйича шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

— Гўйи Ўзбекистон билан ҳамкорлики юксак қадрлайди, — дейди мазкур мамлакатнинг "Holley Metering" компанияси вакили Ван Синхэ. — Юртимизда ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча қўлайликлар яратилганлиги диққатга сазовор. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан хорижий сармоядорлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлига қизиқишини оширмоқда. Ушбу кооперация биржасида қўллаб-қувватланаётган халқаро иқтисодий алоқаларини иштирақ этаятгани бунинг яққол далилидир.

— Дунёда ҳукм сураётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида иштиробли ҳамкорлик қилиш учун шерик топиш мураккаб масала, — дейди Туркиянинг "Кауа Group" компанияси вакили Саит Эризонер. — Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилонда иқтисодий сиёсат боис ушбу муаммо мамлакатимизга чет эл бизнеспартнерлари билан ҳамкорлик қилиш келди. Юксак сифатли Ўзбекистон пахтаси тўқимачилик маҳсулотларининг халқаро талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлайди. Шу боис компаниямизда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечакаларга талаб юқори. Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири



илмий тадқиқот ва изланишлар барча тармоқларда кенг қўлланилаётир.

— Халқаро кооперация биржаси нафақат савдо ва саноат соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар учун, балки таълим йўналишидаги муассасалар учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг мейморчилик дизайни кафедраси мудири Марина Бородина. — Ушбу ярмаркада бизнинг институт саноат дизайнини тақомиллаштириш ва соҳа муттаҳассислари малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида иштирок этмоқда. Биржада турли корхоналар, ташкилот ва идораларни ички ва ташқи муҳитини безаш ва жиҳозлаш учун маҳсулоти интерьер ускуналари — чироқлар, сунъий шаршарлар, турли мейморчилик буюмларини намойиш этаётир.

Юртимизда изчил давом этаётган кенг қамровли ҳусунийлаштириш жараёни хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга сармоя киритишига, икки томонлама ҳамкорлиги янада мустаҳкамлашга қизиқишини тобора оширмоқда. Саноат форумида хорижий фирма ва компаниялар вакиллари Ўзбекистонда ишлаб чи-

system engineering" компанияси вакили Мусо Утех. — Ўзбекистонда саноат соҳасининг жадал раванқ топаётгани, ишлаб чиқариш самардорлигининг муттасил ошиб бораётгани мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиётганидан далолатдир. Мазкур йиллик саноат форумида дунёнинг турли мамлакатларидан ишбилармонлар қатнашаётгани бунинг тасдиғидир. Ярмарка доирасида "Осиёэлектротенергия" масъулияти чекланган жамияти вакиллари билан истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан музокара олиб бордик.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этаётган Ўзбекистоннинг фирма ва компаниялари фаолияти ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан яқиндан танишиб, мамлакатимизнинг саноат соҳасидаги салоҳияти тобора юксалиб бораётганига яна бир бош амин бўлдик, — дейди Россиянинг "Химэнергоснаб" савдо-саноат компанияси бош директори Галина Герц. — Юртимизда саноатчиларнинг тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг хорижий ишбилармонлар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш

Ў Наманган Веломотци

Халқимизда "Юз бора эшитгандан бир маротаба кўрган афзал", деган нақл бор. Янгиқўрғон туманидаги Бирлашган қишлоқда бўлиб, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий-иқтисодий ҳаёти билан яқиндан танишгач, бу нақлнинг ҳақиқати ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Қишлоғимизда 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насимхон Отабоев. — Ерларимиз қир-адирлардан иборат бўлгани боис ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ҳамда узумчилик, чорвачилик билан шуғулланамиз. Халол меҳнат ортдан келаётган даромад, қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг ободлиги-



Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Насимхон Отабоев қишлоқ фаоллари билан

Бирлашганликларни бирлаштирган мақсад

га, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда. Қишлоғимиз йилдан-йилга чирой очиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётди.

Айни пайтда ҳудудда касб-ҳунар коллежи, 10 та умумтаълим мактаби, 7 та мактабгача таълим-тарбия муассасаси, қишлоқ шифохонаси, 5 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та алоқа ҳамда 3 та халқ банки шохобчаси, 2 та агрофирма, қишлоқ деҳқон бозори ва бошқа савдо-сотик ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари

фаолият юритмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 22 та ҳар хил турдаги аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш режалаштирилган. Айни кунда уларнинг 17 таси фойдаланишга топширилди. 5 таси эса ишга тушиш арафасида. Ободончилик ишлари нафақат қишлоқ марказидаги гузарда, балки маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам қизғин олиб борилаётди. Бу ўзидан обод маҳалла, намунали хонадон сингари кўрик-танловларнинг ўтказилишига сабаб бўлаётир.

"Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", дейишади. Бирлашган қишлоғи кўчаларининг ҳар икки тарафида қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, дарвозалар олдидаги турли русумдаги енгил автомобиллар турмуш фаровонлигининг далолати.

— Ўтган йили бирлашганликлар бир йиллик даромадлари ҳисобида 100 дан ортиқ ҳар хил русумдаги машиналарни сотиб олишди, — дейди туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Ботиржон Баётов. — Қишлоқда деярли ҳар кун

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Бугунги кунда юртимизда хорижий инвестициялар иштирокида кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса экспорт ҳажмининг, валюта тушумининг кўпайишида, қолаверса, малакали мутахассислар сонининг ортишида муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда биргина Тошкент вилояти ҳудудида 250 дан ортиқ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 16 та янги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилди. Ушбу корхоналар томонидан 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция маблағлари олиб кирилди ва 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми вилоятнинг қишлоқ жойларида ўз фаолиятларини амалга оширади.

Бошқарма томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида хорижий ва кўшма корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир қаторда, уларнинг самарали фаолият юритишларини таъминлаш, фаолиятидаги муаммоларни ўрганиш ва тезкорлик билан ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Корхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиб, улар фаолиятига тўққинлик қилаётган ҳолатларни ўрганиш ҳамда тегишли

ҳуқуқий тушунтиришлар бериш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам бу борадаги ишлар самардорлигини ошириб келмоқда.

"Чирком" кўшма корхонаси ва "Ўздунробита" хорижий корхонасининг Янгийўл филиалининг муддати ўтган дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам сўраб қўрилган муружаати юзасидан Тошкент вилояти ҳўжалик судига 2 040 172 сўмлик қарзларни ундириш бўйича 13 та давво аризалар киритилди. Давво аризалар суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, бошқарманинг иш режаси бўйича Янгийўл, Бекобод, Қўрай, Бўха, Оққўрғон, Пскент ва Қўйи Чирчиқ туманларида ҳамда Янгийўл шаҳрида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёزلарнинг қўлланилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш

ҳолатлари юзасидан назорат қилувчи органлар ва хизмат кўрсатувчи идораларга тақдимномалар киритилиб, 34 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди ва 8 та маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор бекор қилинди.

Бошқарма томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардаги муаммоларни ўрганиш ва уларни барқарор этиш мақсадида мониторинг ўтказиб борилаётди. Мониторинг давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан назорат қилувчи органларга тақдимнома, оғоҳнома ва кўрсатма хатлари киритилди.

Жумладан, Олмалик шаҳридаги "Know-How in Production Process" кўшма корхонасида ва "Alia sanoat industriya" хорижий корхонасида назорат қилувчи идоралар ходимлари томонидан текшириш ўтказиш ва "Текширишларнинг рўйхатга олиш китоби"ни тўлдириниш белгиланган тартибига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланиб, Олмалик шаҳар ДСИ ва Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлик бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ДСЭМ бошқармасига қонунбузилиш ҳолатларини барқарор этиш юзасидан оғоҳнома киритилди.

Тошкент вилояти Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан 2008-2009 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текшириш ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Шунда бошқарма томонидан "Ҳўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг талаблари бузилиб, текшириш учун асос бўлган ҳужжатлар корхона раҳбарига тилхат орқали топширилмаганлиги ва "Металлокерамика" кўшма корхонаси, "Alia sanoat industriya" хорижий корхонаси ходимларига нисбатан маъмурий ишларни кўриб чиқишда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекско-талабларига риоя этилмаганлиги аниқланиб, тақдимнома киритилди ва унга асосан Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси давлат инспектори ишдан бўшатилиди.

Мана шундай баъзи мансабдор шахслар томонидан қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилиши хорижий инвесторларнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончини суъайтиради. Бошқарма томонидан шунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда давво сўраб қўрилган ушунтирилиб, уларга амалдаги қонунчиликка риоя берилган имтиёزلар ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган. Бу эса иқтисодий таъминот ривожидан муҳим аҳамият касб этаётир.

КЕЛАЖАК УЧУН УЙ-ЖОЙ ЛОЙИҲАЛАРИ

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё вилояти филиали жорий йилда қурилган 60 та уй-жой учун 2018 млн. сўм кредит ресурслари ажратди ва яқна таътибдаги уй-жойлар қурилиши учун 2,7 минг тонна цемент, 229 тонна металлпрокат, 13600 кв. метр металл-черепица, 19120 минг дона гишт захиралари яратилди.

Катнашчиларга "Гулистон гишт саноат", "Полимер-Бинокор" масъулияти чекланган жамиятлари, "Янгийўл шифер", "Жиззахпластмасса", "Эталон Сангзор", "Осиё барака пласт", "Усмант гишт" корхоналари намойиш этган қурилиш материаллари ва уй жиҳозлари, айниқса мазкур бўлмоқда.

— Бизга таъсия этилаётган 3-4 хонали бир қаватли уй-жой лойиҳаси жуда ёқди, — дейди кўргазма катнашчиси — Сайхун-обод туманидаги "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилов Шодмонова. — Айниқса, уй-жой қурилишида шўрхокча чидамли материалларнинг танлаб олинаётгани, уй пойдевори мустаҳкамлиги эътиборимизни тортиди. Шунинг учун келгусида посёлкамизда шундай янги лойиҳадаги уй-жой қурилиши бошлашни ният қилиб қўйдик.

— Биз чўл шароитига мос келадиган чидамли қурилиш материаллари билан қатнашамиз, — дейди Жиззах шаҳридаги "Осиё барака пласт" хусусий корхонаси раҳбари Қодиржон Қозоқов. — Айниқса, полимер-қумли шиферларимиз кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Уйлаб уй-жой қурувчилар ва пудрат ташкилотлари шу ёрнинг ўзиде биз билан шартнома тузиб, янги маҳсулотларимизга харидор бўлишди.

Минтақавий семинар давом этмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ў Қорақалпоғистон Республикаси

Президентимиз раҳнамолигида Оролбўйида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Жумладан, Оролни кўтарки халқаро жамғармаси Нукус филиали ҳамда кўплаб ташкилотларнинг изчил иш олиб бориши натижасида катта қўламадан юмушлар ода этилди. "Судаче"дан каттаб Қозоқдарё сувлигича бўлган 110 минг гектарлик каттаб кичик кўлар, сув ҳавзалари, Мўйноқ кўрғазини обихайат билан тўлдирилди. Суви сароб қилишдек ҳайрли иш ҳозир ҳам жадал равишда олиб борилаётди.

Хайёт манбаи — тоза ичимлик сувининг муттасил оқиб туриши мамлакатимизнинг энг шимолдаги овули — қозоқдарёликлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Бу ерда деҳқончилик қайта тикланди, табиий ўтлоқлар чорва молларининг бош сони ортиши, маҳсулот етиштириш ҳажми кескин кўпайиши, қўларда балиқчиликни йўлга қўйиши имконини берди. "Қозоқдарёлик" масъулияти чекланган жамияти аъзоларининг юз берган ижобий табиий ўзгаришлардан омилкорлик билан фойдаланаётгани таъсирга лойик.

— Хеч кимга сир эмас, бир пайтлар Мўйноқ балиқ консерва комбинати маҳсулотлари кўп мамлакатларда маълум ва машҳур эди. Ана шу шўхратни қайта тиклашга ҳаракат қилинган, — дея мамуният билан таъкидлайди "Қозоқдарёлик" масъулияти чекланган жамият бош мутахассиси Қуронбек Қалиев. — Бунга етарли имконият бор. Сувиинг муттасил оқиб туриши овулдошларимиз сингари жамиятимизда меҳнат қилаётган 124 нафар балиқчиларнинг ҳам қалбини тоғдек кўтариб юборди. Ҳар бир жамият аъзоси ўзига юкланган вазифани сидқидилдан бажармоқда. Чўниқ шариқлар яқин, оё қуроллари, кемалар ҳаммаша шай. Натижада ҳозиргача харидорларга 1 миллиард сўмликдан кўп балиқ сотдик. Даромад бор. Шунга яраша янги истиқболларни кўзлаб, кичик балиқ консерва корхонаси қуришга киришдик. У фойдаланишга топширилган, йил охиригача яна 20 киши иш билан таъминланади. Айни пайтда 24,6 километр узунликдаги Қозоқдарё-Шоҳомон газ трассаси тортилди. Уни Хивадаги "Нефтегазқурилиш" маҳсулоти корхонаси амалга ошираётир.

— Табиий шароитлар анча мураккаб бўлишига қарамадан график тўла-тўқис адо этиляпти, — дейди ушбу корхона иш бошқарувчиси Исмоил Бекжонов. — Биз Оролбўйида яшаб, яратувчанлик меҳнати билан машғул қозоқдарёликларга беминнат ёниги — "зангори олов"ни Ўзбекистон Конституцияси қўнига қадар етказиб берамиз. Дастлаб мактаб, боғча ва касалхоналарга табиий газ уланади. Янги йил байрами арафасида эса аҳоли хонадонлари, жумладан, жамиятнинг янги балиқ консерва корхонаси ҳам табиий газдан баҳраманд бўлади.

...Хуллас, бугун Оролбўйида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилинаётир, янги-янги хизмат кўрсатиш, маданият нуқталари қад ростламоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

"Волида Обида Оқилжонов" фермер ҳўжалиғига қарашли узумзорларга бошлади.

— Фермер ҳўжалиғимизнинг экин майдони жами 27 гектар бўлиб, шундан 24 гектариде узумнинг "Тоифи" нави етиштирилади, — дейди фермер. — Токзорларимизда бу йил ҳосил ўтган йилгидан анча мўл бўлди. Шу боис

бўлмаса-да, ҳафтанин икки ёки уч кунда тўй-томоша бўлади. Кимдир эл-юртта дастурхон ёзиб, ўғил уйлайди, бошқа биров киз узатади.

Бирлашган қишлоғи эстагида Оқ ер қир-адирликлари ястаниб ётади. Инсон қўли ва ақл-заковати билан бу ерда бунёд этилган боғ-роғлар, узумзорларни кўриб кўз қувнайди. Юсуфжон Ҳамдамов бизни ўзи етакчилик қилаётган

Мўйноқда балиқчилик тикланмоқда

Хайёт манбаи — тоза ичимлик сувининг муттасил оқиб туриши мамлакатимизнинг энг шимолдаги овули — қозоқдарёликлар учун ҳақиқий байрам бўлди.

Хайёт манбаи — тоза ичимлик сувининг муттасил оқиб туриши мамлакатимизнинг энг шимолдаги овули — қозоқдарёликлар учун ҳақиқий байрам бўлди.

Бирлашган қишлоғи ва бирлашганликлар даврасида бўлиб, "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар", деб бежиз айтилмаганига иқроор бўламиз. Зеро, қишлоқ ахлини бирлаштирган мақсад эзгу: у ҳам бўлса, эл-юрт раванқига муносиб ҳисса қўшиш.

Маъмур МУСУЛМОҲОВ



"Волида Обида Оқилжонов" фермер ҳўжалиғи аъзолари.

Жиззах Вилояти

ТОҒ БОШИДА ҚАРАҒАЙ НЕГА ЙЎҚ?

Марҳум шоир Хайридин Салоҳнинг "Тоғ бошида қарағай" номли шеъри битилганига қирқ йил бўлди. Яқинда Бахмал, Зомин, Фориш тоғ худудларини айланиб, у ерларда ўсаётган олма, ўрик, бодом, арча ва ёнғоқ дарахтлари орасида шеърда тилга олинган қарағайлар кўринмаслигини, "Шоиримиз уни қайси тоғда кўрган экан-а?" деган савол кўнгилдан ўтди. Қарағай қандай дарахт?



Мақтабда ўқиган кезларимизда биология фани муаллими қарағайлар Россия ўрмонларида 40-50 метргача, Кавказ тоғларида 60-70 метргача бўй чўзиб ўсиши, улар қурилишбўлиги, скипидар, канифол ва эфир мойи каби фойдали моддалар бериши, дунёда худудан ортқ тури бўлиб, шундан 15 хили Россия, Кавказ, Болтиқбўйи республикаларида ўсиши, четта кўплаб қарағай ёғочлари чиқарилиши, Ўзбекистонимизда қарағайлар ёввойи ҳолда учрамаслиги, лекин баъзи жойларда манзарали дарахт сифатида 3-4 хили экилишини кўп бор айтганимиз...

69 минг 986 гектари ўрмон билан қопланган, 6965 гектари маданий ўрмонзор, 12 минг 282 гектари туташмаган ўрмонзор, 674,5 гектари ҳайдаладиган ер, 140 гектари боғлар ва 35 минг 714 гектари яйлов.

Яйловлардан бу йил уч миллион сўм даромад олинди. Ишбоб ёғоч сотишдан 3 миллион 725 минг сўм, кўчат сотишдан 48 миллион сўм даромад кирим қилинди. Даромаднинг кўпайгани яхши, албатта.

Канд вилотининг Ургут ва Оҳлик томонларида қарағайчилик бошланиб бормоқда. Гапнинг очиги, ўрмон ҳўжалигида ҳозиргача ўсиб турган акация, жокавельник ва бошқа ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш ҳам анча суист. Уруғидан кўпаядиган бу дарахтлар уруғи ҳар йили қўшларга ем бўлмоқда. Биргина Жиззах аймагида ҳам бунга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим эмасмикан?

— Бу кўчатлар қайси дарахтларники? — Олма, анор, беҳи, терак, ёнғоқ, япон софораси, каштан, қрим ва элдар қарағайлари, — дейди ўрмон ҳўжалиги директори Санакул Умрзоков.

Жиззах ўрмон ҳўжалиги ходимлари япон софораси (шифобахш), каштан ва қарағайлар кўчатлари етиштиришни йўлга қўйганлиги яхши, албатта! Лекин қарағайзорлар кўзга кўринмапти. Вилотнинг Зомин, Бахмал, Фориш тоғ худудлари табиий шариоти ўша Кавказ тоғлари шариотидан унча фарқ қилмайдими-ку?

Ўрмон ҳўжалиқларимизда сосна ўстирилса-чи? Сурхондарёнинг Бойсун ва Шеробод тоғ ўрмон ҳўжалиқларида ҳар йили минглаб туп сосна экилади. Ҳатто, Шерободда сосна кўчати етиштирувчи ўрмончилар жамоаси бор. Фарғона водийси тоғ худудларида сосначилик аллақачон яхши йўлга қўйилган. Сосна дарахти йилга 60-80 сантиметр бўй чўзади. 12-13 йилда ёғочбоп бўлади.

Жиззах давлат ўрмон ҳўжалигининг "Уоб" бўлимини олайлик. 3,5 минг гектардан зиёд ўрмони бор. 2700 гектари арчазор, 20 гектари олмазор, 10 гектарча ёнғоқзор бор. Қолгани терак.

Теракзор, олмазор ва ёнғоқзорларнинг ҳаммаси ижарага берилган. Мевали дарахтларни олган ижарачилар ижара ҳақи тўлашади. Теракзорлар ижарачилари эса воғга етган теракларнинг 25 фоизини олишади. Аммо тузилган шартномаларда негадир йилига "Фалон донга кўчат етиштирасан, бўш жойларга ўтказиб, кўпайтирасан" деган жойи йўқ. Бу билан "Ўрмончилар ёки ижарачилар ёмон ишлапти", — демоқчи эмасмиз. Улар бу йил ва бултур 30 гектардан зиёд бодомзор, олмазор ва теракзор бериб этишган. Лекин имкониятлар шу даражадами?

Бахмал ўрмон ҳўжалиги тасарруфида 60 минг гектардан зиёд ер бор. Шундан 15 минг гектарга яқини ўрмон билан қопланган, 23 минг гектари яйлов, 900 гектари шудроғларнадиган майдон. 250 гектари аҳоли яшаш жойи ва томорқа майдони.

Ўрмон билан қопланган ер майдонларида арчазор бодомзорлар, ёнғоқзор теракзорлар яшамоқда. 150 гектарга яқин олмазор ҳам бор. Доривор гиёҳларнинг ўнлаб тури ўсади. Табиий шариоти ҳар қандай дарахт, ўсимлик учун жуда мос.

Ўрмон ҳўжалиқларимизда сосна ўстирилса-чи? Сурхондарёнинг Бойсун ва Шеробод тоғ ўрмон ҳўжалиқларида ҳар йили минглаб туп сосна экилади. Ҳатто, Шерободда сосна кўчати етиштирувчи ўрмончилар жамоаси бор. Фарғона водийси тоғ худудларида сосначилик аллақачон яхши йўлга қўйилган. Сосна дарахти йилга 60-80 сантиметр бўй чўзади. 12-13 йилда ёғочбоп бўлади.

Жиззах давлат марказий ўрмон ҳўжалигининг умумий ер майдонининг

Шундай экан, нега ҳўжалиқда қарағайлар жуда оз? Қўшни Самар-

қанд вилотининг Ургут ва Оҳлик томонларида қарағайчилик бошланиб бормоқда.

Самарқанд Вилояти

АДИРЛАР БАҒРИДАГИ СИҲАТГОҲ

Мамлакатимизда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари йўлида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бунинг ўз ичига Самарқанд вилотининг Нуробод туманидаги Нурбулоқ кўрғонида жойлашган Абу Али ибн Сино номли санаторий фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

борли жиҳати шундаки, муолажаларда қўлланиладиган радонли сув минералларга бойлиги, шифобахшлиги ва бошқа жиҳатлари билан машҳур Цалтуба ҳамда Мацеста сувларидан асло қолмайди. Мазкур сув айниқса, юрак, қон-томир, асаб касалликларини даволашда ҳар жиҳатдан кўл келмоқда.

Ушбу сиҳатгоҳ бош вақри Адолат Муслинова эса кўйидагиларни таъкидлади: — Бу жой 1991 йил расман сиҳатгоҳга айланди. Қадар ушбу худуддаги сувлардан кудуқлардан отилиб чиққан иссиқ сувдан яқин атрофдаги маҳаллий аҳоли истеъмол қилиб шифо топишган. Кейинчалик сувнинг таркиби аниқланган, сиҳатгоҳ ташкил этилган. Жорий йилда сиҳатгоҳнинг таъмирланганлиги ва энг замонавий, сўнги русумдаги табиий жиҳозлар билан таъмирланганлиги шифокорларга ҳам, дам олиб, даволанувчиларга ҳам жуда катта қўлайликлар тўғрисида.

Айни пайтда, мазкур сиҳатгоҳда нафақат республикамиз, ҳатто қўшни давлатлардан ҳам дам олувчилар келиб, саломатликларини тиклашмоқда. Эъти-

Шундан 15 минг гектарга яқини ўрмон билан қопланган, 23 минг гектари яйлов, 900 гектари шудроғларнадиган майдон. 250 гектари аҳоли яшаш жойи ва томорқа майдони.

Ушбу сиҳатгоҳ бош вақри Адолат Муслинова эса кўйидагиларни таъкидлади: — Бу жой 1991 йил расман сиҳатгоҳга айланди. Қадар ушбу худуддаги сувлардан кудуқлардан отилиб чиққан иссиқ сувдан яқин атрофдаги маҳаллий аҳоли истеъмол қилиб шифо топишган. Кейинчалик сувнинг таркиби аниқланган, сиҳатгоҳ ташкил этилган. Жорий йилда сиҳатгоҳнинг таъмирланганлиги ва энг замонавий, сўнги русумдаги табиий жиҳозлар билан таъмирланганлиги шифокорларга ҳам, дам олиб, даволанувчиларга ҳам жуда катта қўлайликлар тўғрисида.

Сирдарё Вилояти

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда барча соҳаларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилган. Айтиш жоизки, ҳар бир соҳанинг ривожланишида унинг ҳимояланганлиги муҳим роль ўйнайди. Шу боис суғурта тизимини тубдан яхшилашга олоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса бугунги кунда суғуртанинг ишончли тизимга айланishiга омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ишончли ҳамкорига айланган "Ўзгросуғурта" ДАСКнинг Сирдарё вилоти дирекцияси фаолияти билан танишганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

натijasида кўрадиган молиявий зарарини суғурталаш" шартномалари асосида 2009 йил ҳисоли учун вилотда пахта ва галла етиштирувчи 3065 та фермер ҳўжалигидан жами пахта камҳосиллиги учун 1023 та ва галла камҳосиллиги учун 333 та шартнома кўчга киритилди, жами қишлоқ ҳўжалиги бўйича 493,4 миллион сўм суғурта муқофоти туширилди. Ва бугунги кунда 4240,4 миллион сўм миқдорда жавобгарлик ишлари олиб боришмоқда.

— Президентимизнинг "Суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бизнинг ишимизда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди, — дейди "Ўзгросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Сирдарё вилоти дирекцияси директори Ином Таниқулов. — Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг фаолият юритишига, келажакка дадил қадам қўйишига кафолат тарзида биз туриб берамиз. Чунки об-ҳавонинг ноқулай келиши, турли табиий офатлар суғурталашни талаб этади. Ҳозирда вилот миқёсида битта шаҳар, сақизта туман бўлими иш олиб борапти. Мазкур бўлимлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини иктиёрини суғуртаси, жумладан, ҳосил суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, кўп йиллик довдарахтлар суғуртаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги хайвонлари каби суғурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Утган йили табиий офатлардан зарар кўрган фермерларга пахта камҳосиллиги учун 109 та шартнома 200,7 миллион сўмлик, галла камҳосиллиги учун 35 та шартнома 28,1 миллион сўмлик суғурта товоқлари тўлаб берилган. Шу билан бирга қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига лизинг асосида берилган ва берилаётган техникаларни суғурталаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинаётир.

— Президентимизнинг "Суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бизнинг ишимизда муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди, — дейди "Ўзгросуғурта" Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Сирдарё вилоти дирекцияси директори Ином Таниқулов. — Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг фаолият юритишига, келажакка дадил қадам қўйишига кафолат тарзида биз туриб берамиз. Чунки об-ҳавонинг ноқулай келиши, турли табиий офатлар суғурталашни талаб этади. Ҳозирда вилот миқёсида битта шаҳар, сақизта туман бўлими иш олиб борапти. Мазкур бўлимлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини иктиёрини суғуртаси, жумладан, ҳосил суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, кўп йиллик довдарахтлар суғуртаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги хайвонлари каби суғурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Амалдаги йилнинг биринчи август ҳолатига кўра 26 та шартнома имзоланиб, 12,4 миллион сўмлик суғурта муқофоти туширилди. Утган давр мобайнида вилот бўйича 2 та ҳолат юзасидан суғурта ҳолати тан

Мулоҳаза

бўлсангиз, Фаллаорол — Бахмал йўли бўйларидида қатор тўнкаларга кўзингиз тушади. Улар ўтган йилларда ҳам ихота вазифасини бажарувчи, ҳам кўллаб мевалар берувчи дарахтлар эди. Йўловчилар гуллари ифорида, меваларидан баҳраманд бўлишиб, сояларида ҳордиқ чиқаришарди.

Қашқарё Вилояти

«Эл қатори» дея элга ибрат бўлган чорвадор

Косон туманидаги "Турон" наслчилик қорақўлчилик ширкат ҳўжалигининг моҳир кўйичовини, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор", "Шухрат" медали нишондори Эркин Тўраев моҳнатдан бахт топганлардан. У эсни танибдики, яйлов кезади. Отаси Эрка бободан ўрганган чорвачиликнинг сир-асорини унга фаолиятда доимо асқотди. Мана чорак асрдирки, у мустақил бош чўпон сифатида яйлов кезади. Қиш қаҳри, баҳор инжиқликлари, ёзнинг жиғирмаси ва куз машаққатларини моҳнат билан енгиштириб, ундан ютуқлар ҳақида суғуранингизда "Эл қатори" ишлашга, бироздан кам ҳам эмасми, охиби кетган жойимиз ҳам йўқ, — дея камтарона жавоб беради.

ратчилар, вилотдаги чўпон-чўлиқлар, ҳатто қўшни Самарқанд вилотининг Нуробод туманидаги "Олга", "Каттақўрғон" ҳўжалиги кўйичовлари ҳам баҳраманд бўлишпти. Эндиликда Эркин Тўраевнинг шогирдлари нафақат бизда, балки самарқандлик қорақўлчилар орасида ҳам бор.

Эркин Тўраев бошлиқ оилавий пудрат аъзолари ҳар йили ўз зиммаларидаги ҳўжаси аҳдни бекам ўз бажаришмоқда. 2009 йилда ҳам улар 1120 бош кўй-қўзини парвариш қилишпти. Эрта баҳорда 500 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 300 тадан соғлом қўзи, ҳар бир қўйдан ўртача 2,5 килограммдан жун олинди. Кеч кузда яна ҳар бир қўйдан 1 килограммдан жун олишга эришилди. Келесдаги жун заводида уч тоннадан зиёд жун топширилди. Бўҳоро қорақўл тери заводида 483 донга маҳсулот етказиб берилди. Ялпи даромад 50 миллион сўмни ташкил этмоқда. Шунинг 20 миллион сўмга яқини соф фойдага тўғри келади.

Моҳир чорвадор меҳр-муруватда, саховатда ҳам барчага ўрнак бўлапти. Бир вақтлар тарқоқ уй-жойлардан иборат Райимқўзи қишлоғи ҳам тубдан ўзгарди. Эркин Тўраевнинг ташаббуси билан 2,5 километр йўл асфальт қилинди. Замонавий турар-жойлар, савдо дўконлари, маданий-маданий бинолар қад қўтарди.

200 килограммдан озуқа тўпланди, демакдир. — Эркин Тўраев нафақат ҳўжалигимиз ёки туманимиз, балки вилотимиз қорақўлчиларининг фаҳри, — дея қўшимча қилди "Турон" ҳўжалиги раиси Ёмғирчи Келдиёров. — У кўйчиликда ўзига хос мактаб яратди. Ана шу мактабдан мавжуд 32 та отаримиздаги оилавий пуд-

Мустақиллик мендек оддий чўпон фарзандига ҳақиқий бахт-икбол ато этди, — дейди у гурур билан. — Меҳнатларимиз азияти, "Дамас", "Матиз", "Нексия" энгил автомашиналари билан мукофотландим. Янгидан уйлар қурдик, тўйлар ўтказдик. Фаровон яшаймиз.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бугун Устюрт саҳросида 20 дан зиёд конлар очилиб, нефть ва газ захиралари топилмоқда. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Кўнгирот сода заводи бир маромда ишлашпти.

ДЕҲҚОННИ ЖАРАНГЛАР МАҒРУП

(Боши 1-саҳифада)

Фермернинг шихолатидан мамнулик ҳиссини туямиз. Бундай ютуқларга эришиб, эл олдида юзи ёруғ бўлиши учун қанча-қанча тоғларни бедор қарши олганини аниқлаймиз.

Устюрт узра ҳаёт нафаси

Бу гигант корхонанинг қарши-қаршидан ўтган "Буюк ипак йўли"нинг энг мураккаб қисми "Кўнгирот-Бейнау" трассаси бунёд қилинган. 400 километрдан зиёдрок мазкур қурилишнинг асосий бўлимини Қорақалпоғистон Республикаси Йўл-қўриқ қурилиш корхонасининг маҳсул бригадаси бунёд қилмоқда.

Сирдарё вилотининг чўл худудлари шариотида ерни унумдор қилиш осон иш эмас. Айниқса, бу йил кўламнинг серёвин келгани, табиатнинг бироз инжиқликлари қитғитни икки, ҳатто уч бора қайта экишни тақозо этди. Тажрибали деҳқонларимиз бундан чўчимади. Уруғни бир текис ундириб, гўза парваришини агротехник қондалар асосида олиб борди. Вақтида суғурди, озуқа берди, зараркундаларга қарши самарали усулда курашди, чилпиш, дефолиация қилиш ишларини кечтирмоқда.

Саҳрони қамардек кесиб ўтаётган "Дўстлик йўли"нинг 55 километрик бўлагини қуриб бериш зиммасида, — дейди корхона етказкичи мутахассиси Женис Холбоев. — Ишловчиларга етарли шариотлар яратилган. Материаллар пешма-пеш етказилганга босиб ўттизга яқин кудратли техникалар унумли ишлатилмоқда. Натijaда трассанинг 49 километрини асфальтлади. Қолган 6 километри яқин орада уйдланади.

Деҳқон ернинг нафасини эшитиб туриши керак, дерди отам. Йиллар ўтиб, бу ҳақиқатнинг мағзини қақаётгандайман, — дейди Абдуразақ фермер. — Бизнинг ер шариотимиз нисбатан оғир. Мелиорация ишларига мунтазам эътибор қаратмасак, туپроқ ҳосилдорлиги пасайиб кетиши мумкин. 2007 йил кузида Президентимиз вилотимизга сафари чоғида фермерлар билан учрашиб, қишлоқ ҳўжалигидаги ўзгаришлар, самарадорлик, фермерликдан қандай даромад қилинаётгани ҳақида сўхбатлашган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари эътибор қаратган деҳқонликдаги муаммоларнинг кўпчилиги қисқа вақтда ҳал бўлди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнатнинг қадр топса, рағбат бўлса, ўзинига ишонч ортиб, ишлашнинг, эл-юрт раванқига ўз хиссангиз қўшиб яшагинг келаверар экан... Шундай қулларга етганимизга шукр!

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ

Самимийлик билан айтилган, тафти банд бу сўзлар бугун ҳар бир юртдошимизнинг кўнгилдан кенаётган бўлса, ажаб эмас. Илғим-терим мавсумида Қолқин, Сирдарё, Бобўвут, Сардоба туманларидаги фермер ҳўжалиқларида теримчилик билан ўтказилган мароқли учрашувларимизда мана шундай кўтаринкиликни, ҳўш қайфиятни кўрдик. Уфқ қизариб, этакларни тўлдириб турган олоқ пахта тарозида ўлчаниб, ҳойил ортилган тележалар қабул пунктларига йўл олган бир пайтда теримчилар билан бошланадиган сўхбатларимиз бизга ҳамроҳ бўлган "Сирдарё наволари" ансамблининг, туман маданият бўлимлари бадийи жамоаларининг кўй-қўшқиларига, қизикари театрлаштирилган томошаларига улашиб кетади...

Бундан ташқари "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўчга кириши муносабати билан вилотдаги мавжуд ташкилотларнинг тегишли мутахассислари иштирокчида ўқув-семинар ташкил этилди. Мазкур анжуман "Ўзгросуғурта" ДАСКнинг вилот дирекцияси ҳамда вилот меҳнат ва аҳолини иктиёмий ҳўмос қилиш бошқармаси ходимлари ташаббуси билан ташкил этилди.

Теримчилар билан сўхбатимиз узок давом этди. Уйга қайтиб, телевизорни ёқдим. "Ахборот" дастурида пойтахтимиздаги "Ўзгросуғурта" да бўлиб ўтаётган V Халқаро ўзбек пахта ярмаркасида репортаж берилаётган экан. Хоржилик иштирокчиларнинг жаҳон бозорига Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи ва рақобатбардошлиги охиби бораётгани ҳақидаги эътирофларини тинглаб, гурурандим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўллаб мамлакатларни боши берк қўчага олиб кирган бир шариотда юртимизда сийёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминланганини, жумладан, пахтачилик ҳам жадал ривожланаётганини ҳақон жамоатчилиги тан олмақда. Бу муваффақиятлар замирида деҳқонларимизнинг меҳнати, танти аниқ уюшқоқлиги, Юртбошимиз раҳнамалигида барча соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасини кўраемиз.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва серваси соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилотнинг қишлоқ худудларида истиқомат қиладиган аҳолига жами 474 миллион сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди.

Ўзбек ЖУМАЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Қарор ва ижро

Анжунан Вилояти

Яқинда бир танишмиш чет давлатлардан бирга савҳатга бориб келди. У "Манзаралари гўзал экану, бироқ нонга қорним тўймади-да", деб таассуротларини айтиб юрди.

НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

Яратганининг марҳамати билан бу йил сув танқислиги сезилмади. Бугун хирмонлари баракали бўлди...



СУРАТДА: масъулияти чекланган жамият раиси Мутוליбжон Саломов ва ҳамкорларидан бири, тадбиркор Илҳом Раҳмонов.

— Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун саксон тийин харажат қилинмоқда, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Мутוליбжон Саломов.

Корхона ҳудудини айланар эканмиш, мевали ва манзарали дарахтлар, гуллари кўриб, баҳри дилимиз очилди.

Избосқандан қайтар эканмиш, беихтиёр ям-яшил далага нигоҳимиз тушади. Бугун дарахтларнинг барглари ҳам худди олтиндай товланмоқда.

— Юрти тинчинг дастурхонидан нон сероб бўлади, — дейди Мутוליб ака.

Дилмурод КИРФИЗБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



СПОРТ ФИНАЛ БОСКИЧИ МАСАЛАСИ ДЕЯРЛИ ҲАЛ БЎЛДИ

Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш учрашувларида юртдошларимиз навбатдаги галабани кўлга киритишди.

Авалги йил ўйинда йирик ҳисобда галаба қозонган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси навбатдаги учрашувда афғонистонлик тенгдошларига қарши майдонга тушишди.



"G" гуруҳи: КХДР, Вьетнам, Жанубий Корея, Таиланд, Камбоджа, Мьянма

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА! "QISHLOQ HAYOTI"нинг ҳар бир обуначиси аини пайтда "HAYOT" иловасининг ҳам обуначиси ҳисобланади ва унга "HAYOT" газетаси ҳам обуна уюштирувчи томонидан етказиб берилиши шарт.

Advertisement for Volkswagen Passat 2009, including a photo of the car and contact information: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97.

OOO "AMIANT-CLASSIK" (код по ОКПО 22614168, ИНН 300995843), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства...

ВНИМАНИЮ ПОСТАВЩИКАМ ОРГТЕХНИКИ!

Департамент по управлению фондом мелиоративного улучшения орошаемых земель при Министерстве финансов Республики Узбекистан объявляет конкурсный отбор поставщиков...

Table with 4 columns: №, Наименование оргтехники, Количество, Максимальный срок поставки. Includes items like Computer, Printer, Server, etc.

Просим представить до 30.10.2009 г., согласно вышеуказанным требованиям свое коммерческое предложение...

Дополнительную информацию по спецификации оргтехники можно получить по телефону: 239-15-56.

Тошкент ш. Статистика бошқармаси томонидан 28.07.2009 йили "JUSTUS GRAND" адвокатлик бироси учун берилган № 091295 рақами гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Advertisement for Chevrolet NIVA, featuring a photo of the car and contact information for the dealer.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТИМИ) 2009-2010 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ БЎЙИЧА: Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси — профессор, доцент, ассистент

Advertisement for MUASSISLAR KENGAШИ, featuring contact information for various departments and services.

Advertisement for "AGTECH AGRI" featuring agricultural machinery and contact information.